

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯ СЕКТОРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Республика илмий-амалий анжумани

материаллари тўплами

2017 йил 10 ноябрь

**ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЕ РАЗВИТИЯ
ФИНАНСОВОГО СЕКТОРА В УЗБЕКИСТАНЕ**

Сборник материалов

республиканской научно-практической конференции

10 ноября 2017 года

Тошкент – 2017

МУНДАРИЖА

Бет **КИРИШ**

14

Карлибаева Р.Х.

Молиянинг неоклассик назарияси – замонавий молиянинг

назарияси – замонавий молиянинг

фундаментал асоси сифатида.....

фундаментал асоси сифатида.....

сифатида.....

Қурбонов Х.А.

Маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш омиллари.....

Маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш омиллари.....

даромад базасини мустаҳкамлаш омиллари.....

мустаҳкамлаш омиллари.....

омиллари.....

.....

Машарипова Ш.

Корпоратив бошқарув тизимининг

Карлибаева Г

тизимининг

акциядорлик

жамиятлари

фаолиятидаги

зарурлиги

Каипова С.

Корпоратив бошқарув тизимининг

Карлибаева Г

тизимининг

акциядорлик

жамиятлари

фаолиятидаги

зарурлиги

Карлибаева Р.Х., и.ф.н., доц.

ТДИУ

Молиянинг неоклассик назарияси – замонавий молиянинг

фундаментал асоси сифатида

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз молияни фан сифатида тараққиёти учун

фундаментал аҳамият касб этиб, замонавий иқтисодий макондаги

трансформацион жараёнларда унинг ролини, молия тизимининг ўзига хос

равишдаги —архитектурасини назарий ва амалий жиҳатдан уйғунлашган

ҳолда тадқиқ қилишни тақозо қилмоқда.

Америкалик иқтисодчи Е.Банкснинг таъкидлашича, жаҳон иқтисодиётини

камраб олган глобаллашув жараёнлари, ривожланган мамлакатлар иқтисодий

тараққиётидаги янги курс ҳисобланувчи —Ахборот иқтисодиётининг янги

моделини ташкил этиш, молия тизими бўғинларининг тараққиёт

нисбатларига таъсир этаётганлигини таъкидлайди¹.

¹Banks E. Finance the basics. — N.Y.: Simultaneously published, 2007.

Россиялик иқтисодчилар М. В.Романовский, О. В.Врублевскаяларнинг

таъкидлашларича, —2008-2009 йилларда бошланган инқироз инсонларнинг

молиявий масалаларга нисбатан муносабатларини янада кучайтирди. Бу шубҳасиз, жаҳон мамлакатларининг ҳар бир фуқароси солиқлар тўлайди, давлатдан турли нафақалар олади, ўзининг мулкӣ ҳолатини сақлаб қолиш учун хусусий молиявий қарорлар қабул қилади, миллий ва халқаро валюта курслари билан қизиқиши орқали маълум миқдордаги ва баъзида, жуда катта миқдордаги пул маблағларини инфляция рискидан сақлаш мақсадида интуитив қарорлар қабул қилади¹.

¹ Романовский М. В., Врублевская О. В. Финансы: учебник — М.: Издательство Юрайт; 2012. — с.14

² Малиновская О.В., Скобелева И.П., Бровкина А.В. Финансы: Учеб пособие,- М.: Инфра-М, 2012 г.- с.34

Зновалёв В.В., Основы теории финансового менеджмента. – М.: Проспект, 2008.

Замонавий молиянинг архитектурасига нисбатан айрим иқтисодчилар ўз муносабатларини билдириб, назария ва амалиёт сифатида молия бир жойда қотиб қолмаслигини, доимий ривожланишдалигини, молиявий дунё эса энг тез динамик ўзгаришларга эга бўлган тузилма эканлигини таъкидлайдилар. Доим янги молиявий инструментлар пайдо бўлаётганлиги, XX аср охирида эса, янги тармоқ яъни —Молиявий индустрия| катта муваффақият билан ривожланиб бораётганлиги қайд этилади².

Молиявий институтлар ролининг ўзгаришига олиб келувчи трансформацион жараёнлар, глобал молиявий бозорларнинг тараққиёти замонавий молиянинг архитектурасини ташкил этиб, ушбу тенденциялар неоклассик молия назариясининг шаклланишида муҳим рол ўйнамоқа.

Россиялик иқтисодчи В.В.Ковалев, молия фани ҳақидаги илмий қарашларнинг тараққиётини йирик даврга бўлиб, классик ва неоклассик назариялар тўғрисида фикрларни бидиради. Молия ҳақидаги фаннинг классик назарияси Рим империяси давридан бошлаб то XX асрнинг ўрталаригача молия фанининг тараққиёти натижасида классик назариянинг шаклланишдаги эътироф этиб ўтади. Бунда асосан мамлакатда яратилган ижтимоий маҳсулот қийматини бош тақсимловчи субъект сифатида давлатнинг ролига ва пул фондларини шаклланиш ва тақсимланиш тизимида давлатнинг марказлаштирилган пул фондлари етакчилиги эътироф этилади. Бу борада, Меркантилизм мактабининг немисча варианты ҳисобланган Камерализмда молияга давлат ғазнасини шакллантириш ва ундан мақсадли фойдаланиш муаммоларини ўрганувчи фан сифатида қаралади⁴.

Демак, камерализмда, молия асосан давлатнинг бюджет тизими даромад ва харажатлари оқимини ўзида ифодалашини ёки давлат эҳтиёжлари учун фойдаланишга мўлжалланган даромадларни бошқариш тизими сифатида қайд этилган бўлиб, ўша даврларда пул оқимларининг ҳаракати ва масштабда давлат фондларининг юқори улуши ушбу ёндашувдаги ҳулоса учун асос бўлган.

XIX аср иккичи ярми ва XX аср бошларидаги англосаксон адабиётларида молия тушунчаси Камерализм намоёндаларининг илмий қарашларига нисбатан бошқача ёндашувга эга бўлган. Хусусан, унда молия 103

хукумат ёки давлатнинг даромадлари баъзида жисмоний шахсларнинг даромадларини ифодалаш қайд этилади¹.

¹Backhaus J. G., Wagner R. E. Handbook of public finance. –Massachusetts: Kluwer Academic Publishers, 2004.

²King G. Theory Of Finance: Being a Short Treatise on the Doctrine of Interest and Annuities-certain./ 3-rd ed. –London: Ch.&Edw. Layton, 1898.

Молияга нисбатан киритилган ушбу аниқликни икки жиҳати мавжуддир. Бунда, бир томондан молиянинг фаолият соҳаси сифатида давлат даромадларини шакллантириш жараёнига урғу берилган бўлса, иккинчи томондан молияга ижтимоий сектор иқтисодиётининг бир бўғинигина эмас, балки хусусий сектор яъни уй хўжаликлари иқтисодиётининг элементи сифатида таъриф берилмоқда.

Инглиз иқтисодчиси Г. Кинг ўзининг —Молия назарияси‖ деб номланган адабиётда молияга нисбатан киритилган аниқликда асосий урғуни фойда, актуар ҳисоб-китоблар, ссуда капитали учун оддий ва мураккаб фоиз ставкаларига эътиборни қаратадилар². Яна бир инглиз иқтисодчиси К. Плен эса, ўзининг —Ижтимоий молияга кириш‖ деб номланган адабиётда таъкидлайдики, —Молия‖ термини уни жамият ижтимоий секторидан иқтисодиётнинг хусусий секторига ўтказилиши —**Метаномия‖** натижасида содир бўлди - деб ҳисоблайди. Натижада, —Молия‖ термини кенг маънога эга бўлиб, иқтисодий агентлар ҳар бирининг ихтиёрида шакллантириладиган ва фойдаланиладиган фондларни бошқариш жараёнини қамраб ола бошлади. Демак, юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, замонавий молиянинг фундаментал асосларини ўзида ифодаловчи молиянинг неоклассик назариясини шаклланиши ва у ҳақидаги дастлабки илмий ёндашувлар XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига тўғри келади. Бунда молия нафақат давлатнинг иқтисодий фаолияти натижасида шаклланадиган пул маблағларини бошқариш, балки хусусий сектор иқтисодий фаолияти натижасида шаклланадиган пул маблағларини ҳам бошқариш муаммоларининг қамраб олиниши эътироф этилмоқда.

Қурбонов Х.А., и.ф.н., доц.

ТДИУ

Маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш омиллари

Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизимининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Улар давлат ҳокимиятининг ҳар бир маҳаллий органи ўз фаолиятини амалга ошириши учун унинг ихтиёрида аниқ молиявий база яратади. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб эҳтиёжларни тўлиқроқ ҳисобга олиш ҳамда давлат томонидан марказлашган тартибда амалга оширадиган тадбирлар билан тўғри олиб бориш имконини беради.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида бюджетлараро трансфертлар улушининг мавжудлиги ва унинг нисбатан даромадлар таркибидаги салмоғининг юқорилиги уларнинг юқори бюджетларга молиявий қарамлиги, ўзига хос равишдаги бюджет харажатларини таъминлаш билан боғлиқ жорий харажатларни молиялаштиришда —ликвидлилик‖ муаммоларини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам яқин ва ўрта истиқболда маҳаллий бюджетлар

даромадлари таркибида бюджетлараро трансфертлар улушини камайтириш бўйича ислохотларни чуқурлаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш бир пайтнинг ўзига умумиқтисодий ва молиявий омилларга болиқдир.

Маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлашнинг умумиқтисодий омиллари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

саноат ишлаб чиқариш соҳасида янги корхоналар ва кичик корхоналарни ташкил этиш;

ҳудуд иқтисодиётининг бошқа тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш;

хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш;

мавжуд корхоналарни соғломлаштириш, модернизация қилиш, қайта куроллантириш;

□ истиқболсиз ишлаб чиқариш корхоналарини янги мулк эгаларига сотиш орқали соғломлаштириш ва бошқалар.

Юқоридаги омиллар ҳудуд иқтисодиётининг барқарорлашувига олиб келади ва бу ўз навбатида маҳаллий бюджетлар даромад базасига ижобий таъсир этади.

Маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлашнинг молиявий омилларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

□ солиқларни марказлашган ҳолда бош корхоналар томонидан тўланишини жойларга тўлаш тартиби жорий этиш;

□ солиқ тўловлари бўйича берилган имтиёزلарни муддати тугаши ҳисобига қшимча даромадларни шакллантириш;

□ солиқлар бўйича боқиманда қарздорликни камайтириш ва солиқларни йиғувчанлигини ошириш борасидаги ислохотларни чуқурлаштириш орқали аҳаллий молия тизимини соғлаштириштиришга эришилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларига қараганда амалга ошириладиган чора тадбирлар натижасида бюджетга тушумларнинг прогноз кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда берилган.

1-жадвал

Даромадлар

Йўналишлар бўйича

2013-2018 йилларда

базасини

мустаҳкамлаш,

бюджетга қўшимча

даромадлар

манбаларини

яратиш бўйича

маълумот №

Корхоналар сони

		Қўшимча солиқ базаси (млн.сўм)	
1	Саноат ишлаб чиқариш соҳасида янги ташкил этилган субъектлар бўйича	8 522	15 857,7
2	Янги ташкил этилган кичик корхоналар бўйича	28 523	2 205,1
3	Янги ташкил этилган хизмат кўрсатиш, сервис корхоналар бўйича	42 146	1 820,7
4	Мавжуд корхоналарни соғломлаштириш, модернизация қилиш, қайта қуролантириш бўйича	13 856	3 197,0
5	Истиқболсиз ишлаб чиқариш корхоналарини янги мулк эгаларига сотиш орқали	1 341	613,8

6	соғломлаштириш ҳисобига Солиқларни марказлашган ҳолда бош корхоналар томонидан тўланишини жойларга тўлаш тартиби бўйича	3 387	1 390,9
7	Солиқлар бўйича берилган имтиёзлар муддати тугаши ҳисобига	25 976	1 185,2
8	Солиқларни йиғувчанлигини ошириш бўйича	1 804	1 162,0
Жами	125 555		27 432,4

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш бўйича юқоридаги чора-тадбирлар натижасида прогнозлар бўйича 2018 йилгача корхоналар сони 125555 тага етиб, бюджетга қўшимча тушумлар сони 27432,4 млн. сўмга ўсиши тахмин қилинмоқда.

Прогноз кўрсаткичлари бўйича маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлашда умумиқтисодий омиллар, хусусан, саноат ишлаб чиқариш соҳасида янги ташкил этилган субъектлар ва мавжуд корхоналарни 115

соғломлаштириш, модернизация қилиш, қайта қуроллантириш ҳисобига кўшимча солиқ базасини кўпайтириш имкониятлари юқоридир. Қолаверса, молиявий омиллар қаторида солиқларни марказлашган ҳолда бош корхоналар томонидан тўланишини жойларга тўлаш тартибини жорий этиш ва солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш ҳисобига ҳам маҳаллий бюджетларга тушумлар миқдорини юқори даражасини таъминлаш имкониятлари мавжуддир. Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, маҳаллий бюджетлар даромад базасини юқорида тилган олинган умумиқтисодий ва молиявий омиллар контекстида мустаҳкамлаш бўйича ислооҳотларни чуқурлаштиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаоллигини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Машарипова Ш.

ТДИУ ўқитувчиси

Карлибаева Г

ТДИУ талабаси

Корпоратив бошқарув тизимининг акциядорлик жамиятлари фаолиятидаги зарурлиги

Мамлакатимизда давом этаётган хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан, акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлашда ва унинг фаолиятига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш каби

Оооол

Каипова С

Сергели колледжи ўқитувчиси

Карлибаева Г

ТДИУ талабаси

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи асосий омили тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, унинг

миллий иқтисодиётни соҳалари, тармоқлари ва шунингдек, барча ҳудудларда кенг ривожланиши учун шарт шароит яратиш давлат иқтисодий сиёсатининг стратегик йўналиши ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда турли илмий-назарий адабиётларда тадбиркорлик фаолияти ва бизнес хусусида, унинг йўналишлари, тамойиллари, ҳуқуқий-иқтисодий жиҳатлари тўғрисида кўплаб олимларнинг фикрлари, мулоҳазалари кенг ўрин эгалламоқда. Уларда кўпинча тадбиркорлик фаолияти ва бизнесни бир хил тушунча сифатида талқин қилинмоқда.

Ҳозирги кунда тараққий этган мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ривожланиш негизида ҳам тадбиркорлик фаолияти ва уни ривожлантиришга йўналтирилган давлатнинг иқтисодий сиёсати ётади. Ушбу иқтисодий сиёсат пировардида ушбу мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги рақобат устунлигининг ҳам асосини ташкил этади.

Шунинг учун ҳам Республикамизда амалга оширилаётган